VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

51-52 (165) ● 2011 йил 28 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Электорат манфаатлари — амалда

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий ҳунармандчилигимиз ривожланиб, соҳага катта имконият ва имтиёзлар яратиб берилди. Ҳукуматимиз томонидан ҳунармандларга яратилаётган алоҳида эътибор ва чексиз ғамхўрликлар туфайли бозорларимиз маҳаллий маҳсулотлар билан таъминланмоқда.

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



"Байрамлар ярашган мамлакат"

Тинч ва осойишта, одамлари ҳаётидан рози юртга тантана ва байрамлар ярашади. Ватанимизнинг юраги — Мустақиллик майдонида Янги йилга бағишлаб ўтказилаётган арча байрами тантаналарида бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

4 ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ



Билганингни дўстингга ҳам ўргат

Ўзбек халқ амалий санъати намуналари жаҳонга машҳур бўлиб, дунёнинг турли шаҳарларидаги санъат ва этнография музейларидан ўрин олиб келмоқда. Ёшларимиз эса бугун ўрганаётган билимларини ёш авлодга етказишга ҳамда миллий меросимизни асрашга сафарбар қилишларига аминмиз.

5 МАЪНАВИЯТ

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



# Янги иш ўринлари

## БИТИРУВЧИЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси ташаббуси билан ташкил этилган парламент эшитувида Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирларининг "Коллежлар битирувчиларини уларнинг мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилишининг ҳолати тўғрисида"-ги ахборотлари тингланди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси мутасаддилари, Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа вазирликлар, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбарлари, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.*

Йиғилишда бутун дунёда ҳамон давом этаётган молиявий, иқтисодий инқироз шароитида ҳатто кўплаб ривожланган давлатлар ҳам иш ўринларини қисқартириб, ўзларининг ижтимоий харажатларини камайтиришга мажбур бўлаётган бир пайтда юртимизда меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган аҳоли тоифалари, хусусан, биринчи навбатда таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи аниқ чора-тадбирлар асосида изчил ҳал этилаётгани алоҳида таъкидланди.

2-бет

АНЪАНА

# Билганингни дўстингга ҳам ўргат

## БУ ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ШИОРИГА АЙЛАНГАН

*Таҳририятга «Мактабимиздаги бошланғич синф ўқувчилари ясаётган халқ амалий санъати асарларини бир кўрсангиз эди, жажжи болакайларнинг ўзгача меҳр ва шижоат билан ижод қилаётганига гувоҳ бўлардингиз», деган мазмунда қўнғироқ бўлди.*

Таклиф этилган жойдан қолма, деган нақлга амал қилган ҳолда Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 326-сонли давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабига йўл олдик. Мактаб дарвозасидан киришимиз биланоқ уч-тўрт болакайнинг митти арра билан фанер арралаётганини, қизларнинг қўлида эса игнаю каштани кўриб, уларни беихтиёр суҳбатга тортдик.

— Хўш, болалар нима билан бандсизлар?

— Мен жимжимали стул ясаяпман,- деди чамаси 10 ёшлардаги болакай. — Ўртоқларим эса менга ёрдам беришаяпти.

5-бет

ХАБАРЛАР

### Сайёр йиғилиш

**Самарқанд Давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.**

Муҳокама этилган масалалар юзасидан олий таълим муассасалари ректорлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси раҳбарлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Йиғилиш иштирокчилари Самарқанд шаҳрида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

### Терминаллар ижараси арзонлашди

**Ўзбекистон Марказий банки томонидан савдо расталари терминалларини ижарага бериш бўйича янги арзонлаштирилган нархлар белгиланди.**

Илгари якка тартибдаги юридик ва жисмоний шахслар, яъни хусусий тадбиркорлар учун терминалнинг ўртача ижара ҳақи ойига сўмда банк ҳисоби бўйича 20 евро қилиб белгиланган эди. Ҳозирги меъёрларга кўра бу тўлов юридик шахслар учун 15 еврога туширилди, хусусий тадбиркорлар тўловлари 4 марта камайтирилди.

### Янги йил совғаси

**Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 7-мусиқа ва санъат мактаби жамоаси янги бинога кўчиб ўтди.**

Бу мактаб ўқувчилари учун ҳақиқий янги йил совғаси бўлди. Мусиқа мактабининг янги биносида ўқув хоналари, классик ва халқ чолғу асбоблари билан таъминланган махсус заллар, мусаввирлик санъати, замонавий эстрада, рақс ва бошқа машғулотлар учун мўлжалланган хоналар жойлашган. Икки юз нафардан зиёд қишлоқ болалари янги мактаб биносида мусиқа ва санъат олами сир-асрорларини ўрганишмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА



# Ватан барчамиз учун муқаддасдир

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотлар миллий армиямиз сафларини профессионал, пухта тайёрланган кадрлар билан тўлдириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик ва эл-юртга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир.*

Ҳарбий-академик лицейлар бу борада муҳим ўрин тутади. Мазкур билим даргоҳларида таълим-тарбия ишлари самарадорлигини янада оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралда қабул қилинган "Ҳарбий-академик лицейлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, ўқитиш тизими амалдаги давлат таълим стандартларига мувофиқлаштирилди, замонавий талабларга мос, самарали ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш учун зарур инфратузилма яратилди. Ҳар бир лицей таълим йўналишига қараб ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиш тартиби жорий этилди.

5-бет

УЙҒОҚ ФИКР

# Йил адоғидаги ўйлар

*Йўловчи машинада икки киши — ҳайдовчи ва мен тонг қоронғусида водий томон йўл олдик. Бекатда одам оз, шериклар топилгунча анча кутиб қолсак керак, деб ўзимча тараддудланиб турган эдим, ҳайдовчи йигит: "Жўнайверамиз, ака, бугун маҳаллада тўй, эртароқ бориб, хизмат қилмасам бўлмайди", деди-да, моторни ўт олдирди.*

Тонгда йўлга чиқишнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Ҳаво тоза, машиналар кундузгидек, йўл талашиб, бир-бирлари билан қувлашмачоқ ўйнашмайди. Қор остида ором олаётган далаларга, қордан салла боғлаган тоғларга боқиб, хаёл суриб кетаверасан.

Суҳбатимиз дарҳол қовушди. Шуҳратжон (унинг исмини йўлга тушмай турибоқ билиб олгандим) машинани жуда енгил, ортиқча зўриқтирмай бошқариб бораётганини кўриб, ундан "Ҳайдовчилик билан анчадан бери шуғулланасиз шекилли?", деб шунчаки сўрадим, холос. Шу саволим бўлдию, Наманганнинг "Курашхона" мавзесига етгунимизча гурунглашиб кетдик.

Мавзуни тадбиркорликдан белгиладик. Мен бу хусусда "мозий"га қайтиб гап бошлагандим, ҳамроҳим ташаббусни ўз қўлига олди:

— Йўлда юрганингдан кейин турфа хил одамларга ҳамроҳлик қиласан. Бировидан ҳикмат эшитасан, бировидан туртки ейсан.

Оддий ҳайдовчи бўлса ҳам, юртимизда тадбиркорлик, ишбилармонликка яратилган имконият ва шароитлар хусусида тўлқинланиб гапирди. Президентимиз "Халқимиз аввалда ҳам, ҳозир ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаган, иншоолло, бундан кейин ҳам кам бўлмайди, болаларимиз биздан ҳам яхши яшашади", деб одамларнинг юрагига чўғ ташлаб қўйдилар. Минг раҳмат!

4-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

● ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



# Янги иш ўринлари

## БИТИРУВЧИЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОКДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда, коллеж битирувчиларини ўз мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш борасидаги ишлар доирасида ташкил этилган парламент эшитувида дастлаб Олий ва ўрта махсус таълим вазири Б.Ходиевнинг ахбороти тингланди. Маърузачи таъкидлаганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим олиши, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши, касб-ҳунар коллежларини тамомлаётган ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратишга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

**Вазирлик, идораларга бириктирилган битирувчиларнинг салмоқли қисмини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, "Ўзбекенгилсаноат" компанияси, "Ўзбекэнерго" ДАК, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимига ишга жойлашишига эришилди.**

Бугунги кунда ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларга касб-ҳунар сирларини ўргатиш, мутахассисликка эга бўлган йигит-қизларни иш билан таъминлашнинг такомиллашган тизими ва мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди. Жумладан, умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш тўла таъминланди. Жорий йилнинг декабрь ойи ҳолатига кўра 2010-2011 ўқув йилида 1203 та касб-ҳунар коллежини тугатган 92,2 фоизи ўз иш жойига эга бўлди. Уларнинг 11638 нафари эса турли олий ўқув юртларида таҳсил олишни давом эттирмокда.

Парламент эшитувида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида самарали ташкил этилганлиги таъкидланди. Вазирлик, идораларга бириктирилган битирувчиларнинг салмоқли қисмини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, "Ўзбекенгилсаноат" компанияси, "Ўзбекэнерго" ДАК, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимига ишга жойлашишига эришилди.

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари бажарилиши юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди ҳамда самарали механизмлар жорий этилди. Мазкур вазифалар ижросига қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг тайёрлов йўналишлари, касблар ихтисосликлари умумдавлат таснифлагичи"га киритилган 251 та касб иқтисодиёт тармоқларининг талабидан келиб чиқиб, тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди. Ижтимоий-иқтисодиёт тармоқларида талаб бўлмаган 51 та касб унификацияланиб, 24 тага келтирилди. Инвентаризация натижаларига мувофиқ 343 та касб-ҳунар коллежида 34 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилиб, 576 та билим юртида 133 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди ҳамда 59 та касб-ҳунар коллежи қайта ихтисослаштирилди.

Йиғилишда депутатлар томонидан республика меҳнат бозорига кириб келаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари сони йилдан-йилга ошиб, уларнинг ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланиш масаласи долзарб аҳамиятга эга эканлигига ҳам эътибор қаратилди.

Парламент эшитувида коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам ахборот берилди.

— Ёшларни иш билан таъминлаш борасида ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланган иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури муҳим восита бўлмоқда, - деди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Хаитов. — Хусусан, январь-ноябрь ойларида 927000 иш ўрни ташкил этилди. Шундан 52 фоизи бевосита ёшларни ишга жойлаштиришга хизмат қилмоқда.

Ёшларни иш билан таъминлашнинг самарали механизмларидан бири — ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этишдир. Вилоятлар марказлари, шаҳар ва туманлар ҳамда йирик тармоқлар корхоналарида салоҳиятли иш берувчиларни таклиф этган ҳолда 954 та бўш иш ўрини ярмаркалари ташкил этилди. Уларда иштирок этган 142000 нафар коллеж битирувчилари ишга жойлашиш учун йўлланма олди. Шунингдек, тармоқлар таркибига кирувчи 100 дан ортиқ йирик корхоналарда ҳам меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, таълим муассасаларини тугатган ёшларни иш билан таъминлашга қаратилган аниқ режа ва тадбирлар ишлаб чиқилди.

Муҳокамалар чоғида депутатлар иш берувчилар билан ҳамкорлик алоқалари, кадрлар тайёрлаш йўналишларини танлаш, ташкил этиш, битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича шартнома муносабатлари, ҳудудлар кесимида таълим муассасасини тугатаётган ёш мутахассисларни ишга йўллаш, иш берувчилардаги бўш иш ўринлари ҳақида аниқ маълумотлар тақдим этиш, иш берувчилар томонидан яратилган ишчи ўринлари тўғрисидаги нотўғри ҳисобот ва ахборот тақдим қилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликни кучайтириш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Парламент эшитувида мутасадди вазирликлар раҳбарлари депутатларнинг касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасидаги саволларига ҳам атрофлича жавоб қайтарди.

**Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Муҳтарам Юртбошимизнинг ўтган йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги дастурий аҳамиятга эга маърузасида мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқадиган ривожланиш Концепцияси белгилаб берилди. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган ҳамда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кучга кириши алоҳида аҳамият касб этди.

Таъкидлаш лозимки, фракциямиз ташаббуси билан амалга оширилган парламент эшитувида кўрилган масалалар долзарблиги, жамият ва давлатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутиши ҳамда миллий манфаатларимизга мос ва хослиги, партиямиз ғоялари, дастурий мақсад ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларга ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир.

Умуман олганда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти, таълим даражаси ва касб-ҳунар тайёргарлиги сифатини ошириш, "Таълим тўғрисида"ги, "Аҳоли бандлиги тўғрисида"-ги, "Маҳаллий давлат органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, меҳнат бозори талаб ва таклифлари, 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш дастурига қатъий амал қилиш орқали самарадорликка эришиш мумкин бўлади.

**Абдуғафур МАМАТОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган 1537 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар ёшларнинг касб-ҳунар сирларини ўрганиши, уларни иш билан таъминлаш ҳамда жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз меҳнат бозорига кириб келаётган ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари сони йилдан-йилга ошиб бориши натижасида уларнинг ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланиши масаласи долзарб бўлиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан энергетика, автоматика, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари, шунингдек, муҳандислик, қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш бўйича мутахассислар тайёрлаш ишларини такомиллаштириш лозим.

**2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари бажарилиши юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди ҳамда самарали механизмлар жорий этилди. Мазкур вазифалар ижросига қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг тайёрлов йўналишлари, касблар ихтисосликлари умумдавлат таснифлагичи"га киритилган 251 та касб иқтисодиёт тармоқларининг талабидан келиб чиқиб, тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди.**

Бундан ташқари касб-ҳунар коллежлари мутахассисликлари таснифлагичидан ўрин олган миллий ҳунармандчилик анъаналарига хос бўлган дизайнер, ҳайкалтарош, чинни маҳсулотлари, ганчкорлик, ўймакорлик ва наққошлик устаси, каштачилик, заргарлик, мисгарлик, кулолчилик каби йўналишларни, шунингдек, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш техник технологи каби мутахассисларни тайёрлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш миллий иқтисодиёт тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

**Олимжон ОҚИЛОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Дарҳақиқат, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этадиган ёшларни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни касбий йўналтириш ва ўз мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш, бу борада керакли шарт-шароитлар яратиш ва бандлик вазифаси бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлган масалалар сирасига киради. Парламент эшитувида соҳада эришилган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш, иш ўринлари яратиш ва битирувчиларни иш билан таъминлашдаги янгича ёндашувлар ҳамда олдимизда турган галдаги вазифаларни муҳокама қилдик.

Ҳудудларда меҳнат бозоридаги талабга мос келмайдиган йўналишларда кадрлар тайёрлашнинг давом этаётгани касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўзлари эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришда айрим муаммоларни юзага келтириши мумкин. Мисол учун, ёшларнинг аксарият қисми бошқа соҳаларда банд бўлиши оқибатида номутаносиблик келиб чиқади. Шундай экан, эгаллаган касби бўйича ишга жойлашмаган ва бундан қониқмаётган битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиши ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

**Ўрол ХАИТОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг "2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишлари"га бағишланган мажлисидаги маърузаси ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури бажарилиши юзасидан самарали механизмлар жорий этилиши натижасида аҳоли бандлигини, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини уларнинг мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Маълумки, давлат таълим стандартлари касб-ҳунар коллежи битирувчисини фақат бирор касб ёки ҳунарни эгаллаган ишчи сифатида тайёрлашни кўзда тутмайди, балки касб-ҳунар эгаллаш билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш кўникмасига эга бўлган кичик мутахассис тайёрлашни назарда тутиши билан муҳим аҳамиятга эга.

**Мавжуда РАЖАБОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида ёшларнинг билим олиши, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилган. Бу борада, айниқса, 2009 йилдан бошлаб олиб борилаётган ислоҳотлар, яъни таълим тизимининг узлуксизлиги ва тизимлилигини таъминлаб берувчи тизим — тўққиз йиллик таълим, ундан кейин академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим тизими бугунги кунда кўплаб мутахассислар, халқаро экспертлар томонидан мамлакатимиз эришаётган энг катта ютуқлардан бири сифатида алоҳида эътироф этилмоқда.

**Камолиддин ҲОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

# Эзгуликка қўйилган ёдгорлик

## 28 ДЕКАБРЬ — ҲУРРИЯТИМИЗ, ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИМИЗ ВА ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ БЎЛГАН МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ ОЧИЛГАН КУН



***Президентимиз Ислом Каримовнинг ғояси ва ташаббуси асосида мамлакатимизнинг бош майдонида қад ростлаган Мустақиллик ва эзгулик монументи ўз мазмун-моҳияти, меъморий ечими, ғоявий-бадиий жиҳатлари билан халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Маъно-мазмуни билан Ўзбекистон танлаган йўл — Мустақиллик йўлининг теран ифодаси, халқимизнинг кўп асрлик қадриятлари яққол намоёнидир бу монумент.***

Истиқлол йилларида Мустақиллик майдони улкан меъморий ансамблга айланди. Бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг нафақат манзарасини, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Бир пайтлар фақат бетону асфальт билан қопланган бу майдон эндиликда йил-ўн икки ой яшнаб турувчи кўкаламзору турфа гуллари, дарахтлари билан ҳам кўзни қувонтиради. Кундузлари қуёш нурида, тунлари эса нурафшон чироқлар шуъласида жилоланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўътадил сақлайди. Бугун бу ерга келган ҳар бир киши ажиб бир сокинликни, ушбу сокинлик замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теранроқ ҳис қилади.

Мустақиллик майдонига йўл Эзгулик аркасидан бошланади. Унинг тепасидаги оппоқ лайлаклар тинчлик ва фаровонликни, қанот қоқаётган турналар эса давлатимизнинг порлоқ келажак сари дадил парвоз қилаётгани тимсолидир.

Президентимиз Ислом Каримов 2005 йилнинг 28 декабрида Мустақиллик майдонида қад ростлаган янги монумент пойига илк бор гулчамбар қўйди. Майдонда истиқлолимизнинг дастлабки кунларида барпо этилган Мустақиллик монументи олдидан Бахтиёр она сиймоси жой олди. Юртбошимизнинг таклифига биноан, ушбу мажмуага ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилди.

Мустақиллик ва эзгулик уйғун тушунчалардир. Халқимиз учун мустақиллик — тинчлик-фаровонлик, ғурур ва ифтихор, эзгулик эса — меҳр-оқибат, маънавий баркамоллик деганидир.

Бугун ушбу монумент пойига зиёратга келган ватандошларимиз Ер курраси тасвирида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитасини кўриб, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ҳис қилади. Фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр она сиймосида ўз онасини, беғубор болалигини, баркамол авлодини кўргандек бўлади.

Она деганда кўз олдимизда меҳрибон, жонкуяр, сабр-матонатли, муштипар аёл тимсоли гавдаланади. Уни ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш дунёдаги энг эзгу амалдир. Мамлакатимиз бош майдони марказида қад ростлаган Бахтиёр она ҳайкали юртимизда хотин-қизлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигининг, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

Шу жиҳатдан бу мажмуа нафақат ўзининг меъморий ечими, балки ғоявий-бадиий юки, тарбиявий аҳамияти билан ҳам қадрлидир. Чунки инсоннинг маънавияти ва дунёқарашини белгилайдиган мезонлар айнан она бағрида, оила муҳитида куртак ёзади.

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади.

Халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас даргоҳ деб билган, ота-оналар ўз фарзандларини яхшилик ва олижаноблик, меҳр-оқибат ва ҳурмат руҳида тарбиялаган. Мустақиллик йилларида бу қадриятлар янгича маъно-мазмун билан бойиб, оилалар ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг асосий бўғинига айланиб бормоқда. Она ва бола саломатлигини сақлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Юртбошимизнинг ташаббуси билан кириб келаётган 2012 йилга Мустаҳкам оила йили, деб ном берилгани ҳам бу эзгу ишлар бардавом эканидан далолатдир.

Бугун мустақил ҳаётга қадам қўяётган келин-куёвлар Бахтиёр она пойига гул қўяркан, унинг сиймосида ўзининг беғубор, пок орзуларини кўргандек бўлади. Мустақиллик ва Эзгуликни ўз ҳаётий мезонига айлантириб, келажак авлодларга етказиш масъулиятини англайди.

Ушбу улуғвор монумент бунёд этилгач, умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни халқаро мусобақаларга кузатиш пайтида унинг пойига гулчамбарлар қўйиш яхши анъанага айланди. Юртимизга ташриф буюрган хорижий мамлакатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари давлатимизга бўлган ҳурматини ушбу Монумент пойига гулчамбар қўйиш орқали ифода этмоқда. Мактаб остонасига қадам қўяётган ўқувчиларнинг Мустақиллик дарслари ҳам айнан шу мўътабар масканда ўтказилмоқда.

Пойтахтимизга ташриф буюрган меҳмонлар дастлаб Мустақиллик майдонини зиёрат қилади. Улар орасида мактаб ўқувчилари, талабалар, нуроний отахону онахонлар, хорижлик сайёҳларни учратиш мумкин.

Мустақиллик майдони Янги йил байрами арафасида янада кўркам ва файзли қиёфа касб этган. Бу ерда қад ростлаган улкан арча каттаю кичикка бирдек завқ улашмоқда. Турфа безаклар, аттракционлар, театрлашган мусиқий дастурлар майдонда ўтказилаётган байрам шодиёналарига ўзгача шукуҳ бахш этмоқда. Бу юртимиздаги тинчлик ва осойишталик натижасидир.

**Анвар САМАДОВ, ЎзА шарҳловчиси**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



## Оила — олий қадрият

### УНИ МУСТАҲКАМЛАШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗДИР

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши "Аёллар қаноти" ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва партиянинг "Аёллар қаноти" фаоллари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари, Республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

Тадбир ЎзМТДП сайловолди Платформаси ва дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда олий қадрият бўлмиш оилани мустаҳкамлаш, бу борадаги миллий анъаналаримизни ўрганиш, уни тарғиб-ташвиқ қилиш ишларини мунтазам давом эттириш, шунингдек, ёшларимизга кенг тушунча бериш, оила муносабатларини тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатларининг амалдаги ижросини таъминлаш, оилалардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда ёш ва намунали оилаларни моддий-маънавий рағбатлантиришга кўмаклашиш мақсадида ўтказилди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг Бош Қомусимизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ЎзМТДПнинг келгуси иш фаолияти учун дастуриламал бўлиши таъкидланди. Янги —2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб номланиши партиянинг оила муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги ишларини янги босқичга кўтариши алоҳида эътироф этилди.

— Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан 2012 йил — "Мустаҳкам оила йили" деб номланиши мамлакатимизда олиб борилаётган халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, оилалар мустаҳкамлиги ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсадларни изчил давом эттиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз,- деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Ш.Умарова. — ЎзМТДП сайловолди Платформасида шахс шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш, "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" ғоясига асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳа яратиш ва уни амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оилани мустаҳкамлаш, мамлакатимизда кечаётган барча ислоҳотлар жараёнида аёлларнинг фаол иштирокини таъминлашга кўмаклашиш борасидаги ишларни янада кенгайтиришимиз лозим.

Тадбир давомида Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий хизматчиларнинг намунали оилаларига партия ва ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, хушовоз хонандалар томонидан куйланган қўшиқлар иштирокчиларга байрамона кайфият бахш этди.

**Эргаш ХЎЖАЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**




ҲАМКОРЛИК

## Ватан мадҳи

### ҲАР ДОИМ ҚАЛБИМИЗДА

*Вилоят марказидан анча олисда, гўзал ва пурвиқор тоғлар орасида жойлашган "Темирқовуқ" маҳалласида эрта тонгданоқ карнай-сурнай садолари янгради. Табиатнинг ўзига хос сўлим бу гўшасида ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши, Нурота туман ҳокимлиги, "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы» бирлашган таҳририяти, "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими, Навоий кон металлургия комбинатига қарашли "Фарҳод" маданият саройи ҳамкорлигида "Ўзбекистон-жонажон Ватан" мавзусида тадбир ўтказилди.*

Унда ЎзМТДП вилоят ва туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатлари, туман ҳокимлиги мутасадди ходимлари, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, жойларда ўтказилаётган тадбирларда юртда кечаётган ислоҳотлар боис шаҳару қишлоқларнинг бугунги замон андозаларига мос қиёфаси, аҳолининг турмуш тарзидаги ўзгаришлар, эртамиз эгалари бўлган ёшлар камолоти йўлида амалга оширилаётган ишлар тарғиб қилинмоқда. Инсонлар қалбида шу азиз Ватанга шукроналик туйғулари жўш урмоқда.

"Темирқовуқ"да ўтказилган тадбирда ҳам истиқлол берган имкониятлар, юрт равнақи, халқимиз бахту-саодати йўлида амалга оширилаётган ишлар фахр-ифтихор билан тилга олинди. Эрта тонгданоқ маҳаллада дошқозонлар осилди, дастурхон тузатилди.

Тадбир маҳалла болаларининг расм чизиш танлови билан бошланди. Табиатнинг бетакрор манзарасидан баҳра олиб ўсган тоғ болаларининг тасаввуридаги чизгилар бирма-бир намоён бўла бошлади. Турли ёшдаги ўсмирлар туғилиб ўсган қишлоғини ва табиат туҳфаси бўлган рангин дунёни чизган расмларида акс эттирди.

Йиғилишда сўз олганлар бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар, истиқлол берган имкониятлар боис шаҳару-қишлоқларнинг кўркам қиёфаси, хусусан, инсон бахту-саодати, халқнинг турмуш фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил тўхталди.

"Фарҳод" маданият саройи санъаткорлари томонидан янграган куй-қўшиқлар эса тадбирнинг янада шукуҳли ўтишини таъминлади. Тадбир жараёнида ЎзМТДП туман Кенгаши томонидан ҳудуддаги ёлғиз кексаларга ҳомийлик совғалари ҳамда партия ҳаётида фаол иштирок этаётган маҳалла ёшларига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Танлов якунида бўлажак рассомлар тадбир ташкилотчиларининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ҚАДРИЯТ

*Мустақиллик туфайли миллий ҳунармандчилигимиз ривожланиб, соҳага давлатимиз томонидан катта имконият ва имтиёзлар яратиб берилди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1997 йил 31 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонлари бунга яққол мисолдир. Ҳукуматимиз томонидан ҳунармандларга яратилаётган алоҳида эътибор ва чексиз ғамхўрликлар сабаб бозорларимиз маҳаллий маҳсулотлар билан таъминланмоқда.*

## Электорат манфаатлари — амалда

### ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ



Сирдарё вилоятида миллий ҳунармандчилик тобора ривожланиб, халқ амалий санъатини юксалтириш, унитилаёзган миллий ҳунармандчилик турларини тиклаш ва келажак авлодга бекаму кўст етказиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. ЎзМТДПнинг электорати бўлган ҳунармандлар партиянинг дастурий мақсад ва ғояларидан келиб чиққан ҳолда миллий қадриятларимизни улуғлаш, халқ амалий санъатини юксалтиришга кўмаклашишга интилмоқда. ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси ҳунармандчилигимизнинг азалий удумларини муносиб давом эттириш мақсадида "Устоз-шогирд" мактаблари фаолиятини йўлга қўйиб, муносиб издошлар тайёрламоқдалар.

ЎзМТДП Гулистон шаҳар Кенгаши томонидан ҳунармандчилик соҳасига қизиққан қобилиятли ёшларга алоҳида эътибор кўрсатилаяпти.

Шаҳарда кўпчилик Машрабхон Каримовани қирқ йилдан буён соҳада фаолият кўрсатиб келаётган тажрибали ҳунарманд сифатида яхши танийди. У раҳбарлик қилаётган "Машрабхон ая ҳамкор Фароғатхон" хусусий корхонасида бешик, сандиқ, эшик, дераза, стол-стул ва хонтахта каби 10 дан ортиқ турдаги ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Шунингдек, кўрпа-тўшак, ёстиқ-жилд, миллий либослар ҳам тайёрланмоқда. Сифатли маҳсулотларга истеъмол бозорида талаб жуда кучли бўлаяпти.

—Корхонада "Устоз-шогирд" анъанаси самарали йўлга қўйилган, - дейди ЎзМТДП Гулистон шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Юлдуз Абдукаримова. — Ҳозирда қирқ нафардан зиёд йигит-қиз ёғоч ўймакорлиги, бичиш-тикиш бўйича ҳунар сирларини ўрганаяпти. Машрабхон ая тиниб-тинчимас аёл. У бор ҳунарини ёшларга ўргатишга ошиқади. Шу боис, шаҳардаги 3-умумтаълим мактабида ёғоч ўймакорлиги тўгарагини ташкил этган. Айни пайтда 100 нафардан зиёд ўқувчи тўгаракка жалб этилган. Фарзандларининг ўқишдан сўнг бекор юрмай ҳунар ўрганаётганидан ота-оналар ҳам хурсанд. У ўз фаолиятини янада кенгайтириш учун "Халқ банки" вилоят бўлимидан 28 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, корхонасига ёғочга ишлов берувчи замонавий технологиялар ҳамда янги тикувчилик дастгоҳлари ўрнатди. Натижада корхонада яна 15 та қўшимча иш ўрни яратилди.

— Давлатимиз томонидан ҳунармандларга яратилаётган шарт-шароит ва имтиёзлар бизни янада унумли ишлашга ундаяпти, - дейди Машрабхон Каримова. — ЎзМТДП вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси билан келишган ҳолда ёшларни иш билан таъминлаш, миллий ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида Мирзаобод тумани ҳудудида ёғочни қайта ишлайдиган цех ташкил этаяпмиз. Мақсадимиз қишлоқ ёшларига ҳам ҳунар сирларини ўргатиш, уларни иш билан таъминлашдан иборат.

Вилоятда ўз ҳунарини ёшларга ўргатиб, ўзига муносиб издош тайёрлаётган фидойи инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Комил Хўжаев ана шундай ҳунармандлардан бири. Комил ака роппа-роса қирқ йилдирки, ёғоч наққошлиги билан шуғулланади. У устозлари Тоҳир Тўхтахўжаев ва Маҳмуд Тўраевдан касбнинг нозик сирларини қунт билан ўрганди. Чеккан заҳматлари зое кетмади. Воҳага қўлигул наққош сифатида танилди. У ишлаган нақшлар ўзининг нафис, бежирим ва бетакрорлиги билан киши эътиборини тортади. Наққошнинг шогирдлари жуда кўп. Айни кунда Гулистон шаҳри санъат мактабида фаолият кўрсатиб, 40 нафар ўқувчига халқ амалий санъатидан сабоқ бермоқда.

— Ёғочга нақш солиш жуда ҳам мураккаб иш, - дейди К.Хўжаев. — У кишидан дид билан ишлашни талаб этади. Наққош қўлида оддий ёғочдан нодир санъат намунасини ҳосил қилиш учун анча заҳмат чекишига тўғри келади. Ёғоч ўймакорлиги сирларини пухта ўрганиб олган шогирдларим жуда кўп. Муқаддас Маматкаримова, Сабоҳат Нормуродова, Ҳилола Қодирова, Жасур Абдувалиев, Дарья Кан ана шундай иқтидорли ёшлардан. Шогирдларимдан Дарья Кан улар орасида алоҳида ажралиб туради. У шарқ услубида ишлаб, бирбиридан гўзал миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини яратаяпти. Бу қиздан келгусида ажойиб наққош чиқади, деб умид қиламан.

Вилоятда миллий ҳунармандлар сафининг кўпаётгани сабабли аҳоли турмуш фаровонлиги тобора юксалиб, оила рўзғорларига қут-барака кирмоқда.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

168 СОАТ: ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

## Партия дастурий мақсад ва вазифалари

### ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИРЛАР МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ

#### АНДИЖОН

ЎзМТДП Андижон вилояти ва шаҳар Кенгашлари, вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, ИИБ, «Камолот» ЁИҲ Андижон вилоят бўлими Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танловида партия вилоят Кенгашининг "Ёшлар қаноти" фаолларидан тузилган гуруҳ иккинчи ўринни қўлга киритди.

Кўрик-танловда ёшларни Ватанни, маҳалласи ва оиласини севиш, юртга садоқат, муҳаббат руҳида тарбиялаш, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлаштириш, қолаверса, ўз истеъдоди ва маҳоратларини намойиш этишларига имкон яратилди.

Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутати А.Абаев кўрик танлов ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди:

— 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили", деб эълон қилиниши замирида ёшларнинг келажакда фаровон, осуда, бахтли яшашлари учун шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсади ётибди. Дарҳақиқат, ёшлар учун кенг имкониятлар яратилган, аммо улардан унумли фойдаланилсагина биз мақсад қилаётган натижаларга эришамиз. Бунинг учун эса ёшлардан яхши ўқиш, ишлаш, юртимиз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримиз давомийлигини таъминлаш каби вазифаларни бажариш талаб этилади. Мазкур тадбир мана шу жиҳатларни кўзлаганлиги билан янада аҳамиятли бўлди.

Танлов иштирокчилари ёшларимизнинг ютуқ ва имкониятлари, шунингдек, улар олдида турган вазифалар, оила мустаҳкамлигида ёшларнинг ўрни ва аҳамияти мавзуларида бадиий чиқишлар намойиш этдилар.

#### НАВОИЙ

ЎзМТДП Навбаҳор туман Кенгаши ва Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш Навбаҳор туман бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбир Юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли китоби мазмун-моҳиятини тарғиб этишга бағишланди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши аъзолари, Халқ депутатлари Навоий вилоят, туман кенгаши депутатлари, тумандаги барча умумтаълим мактабларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари ва ёшлар иштирок этди.

— Халқимизнинг яқин ўтмишдаги уч йиллик тарихи — 1989-1991 йиллар воқеалари тасвирланган мазкур асарни мутолаа қилган ҳар бир инсон мустақилликнинг улкан бахт, толе эканлигини юрак-юракдан ҳис қилади,- деди ЎзМТДП Навбаҳор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Рустам Саилхонов. — Асарни ўқиган ҳар бир китобхон кўз ўнгида мамлакатимизнинг яқин ўтмишдаги ҳаёти, унга фақат хом ашё етиштириб берувчи ҳудуд сифатида қаралгани, меҳнаткаш, заҳматкаш халқнинг пахта якка ҳокимлигидан изтироб чеккани, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизнинг йўққа чиқарилган ҳолатлари намоён бўлади.

Тадбирда сўз олганлар ушбу китоб юртдошларимизнинг истиқлол мазмун-моҳиятини янада теран англашлари учун муҳим манба эканлиги, унда кечаги кун воқеалари ва бугунги ислоҳотлар мазмун ва моҳияти чуқур таҳлил этилганини таъкидладилар.

#### СУРХОНДАРЁ

ЎзМТДП Шўрчи туман Кенгаши ташаббуси билан "Биз учун ягона ва устувор мақсад Ўзбекистон манфаати" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Шўрчи туман Кенгаши аъзолари, партия фаоллари, туман халқ таълими бўлими ходимлари иштирок этди.

Тадбирда ёшларимизни Ватанга садоқат, мамлакат ва халқимиз манфаатларини устувор биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этиш, уларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида вояга етишларига кўмаклашиш, фарзандларимиз қалбида миллий ғурур туйғусини янада ривожлантириш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, эртамиз эгаларини замонавий билим ва ҳунар эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш лозимлиги бот-бот эътироф этилди.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

#### ХОРАЗМ

ЎзМТДП Гурлан туман Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими, Гурлан шаҳарча фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" деб номланди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан ЎзМТДП Гурлан туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси С.Жуманиёзов истиқлол йилларида мамлакатимизда жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилганлиги, бунинг натижасида оилаларда соғлом муҳитнинг яратилишига, миллий анъана ва қадриятларнинг қайта тикланишига муваффақ бўлинаётганлигини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастуридаги "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" ижтимоий-маънавий ғоясини илгари суриш, Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб номланиши ҳар бир инсон учун муқаддас саналган оилага, унинг мустаҳкамлигига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини тақозо этиши хусусида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Тадбир якунида партия туман Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими бундай тадбирларни мунтазам уюштиришга келишиб олдилар.

#### САМАРҚАНД

— Бугунги кунда тадбиркорлар учун кенг йўл очиб берилган,- деди ЎзМТДП Иштихон туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари А.Хатамов "Тадбиркор аёл — юртимда донгдор" мавзусида бўлиб ўтган тадбирда. — Бундан кўзланган асосий мақсад халқимиз фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

Тадбирда юртимизда аёлларнинг ҳуқуқий, сиёсий саводхонлигини ошириш, етакчилик малакасини шакллантириш, чекка ҳудудлардаги иқтидорли аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркор хотин-қизлар сафини янада кенгайтириш учун керакли шарт-шароит яратишга кўмаклашиш лозим. Аёлларни партия сафига янада кўпроқ жалб этиш ва бу каби тадбирларни юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам бот-бот ўтказиш кераклиги эътироф этилди.

*Ўз мухбиримиз*

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

**УЙҒОҚ ФИКР**

## Йил адоғидаги ўйлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бучўғ қонида тадбиркорлик бор, бозорни биладиган, ота-бобоси шу иш билан шуғулланган ишбилармонларнигина эмас, бозорда дўппи, маҳси, бешик, сумак сотиб тирикчилик қиладиган майда ҳунармандларни ҳам уйғотди. Марҳамат, истеъдодингиз бўлса, кўрсатинг, даромад топинг, уй қуринг, машина сотиб олинг, тўй қилинг, эл-юртга ош беринг, болаларни ўқитинг, кийинтиринг. Энди сизни ҳеч ким бозордан қувмайди, жаримага тортмайди, хирмонингизга шерик бўлмайди. Эшик-деразани бекитиб эмас, ошкора ишлайсиз, ошкора пул топасиз, бозорнинг тўри сизники...

Асли бу гапларни ҳайдовчи Шуҳратжон эмас, мен гапиришим керак эди. Тадбиркорлик, ишбилармонлик тақиқланган пайтларни, эл-юрт учун бир фойдали иш қилай, маҳсулот ишлаб чиқарай деганларнинг кўпи оловни ушлаб олгандай, қўли куйганини, ҳаёти издан чиққанини биламан, бу ҳақда бир эмас, бир неча марта ёзганман-ку. Юртбошимизнинг "Мустақиллик, энг аввало ҳуқуқ демакдир", деган сўзлари ёдимга тушади. "Ҳаётнинг турли соҳа ва жабҳаларини кўтарадиган, уларга ривож ва қанот берадиган омил, ҳамма нарсани ҳаракатга келтирадиган куч — бу аввало иқтисодий эркинлик, яъни том маънодаги инсон эркинлигидир" деган гап ҳам давлатимиз раҳбарига тегишли. Мана, янада кучли ва таъсирчан фикр: "Агарки, Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий топган жамият ва давлатга айлантириш, авваламбор, халқимизнинг ҳаётини муносиб даражага кўтариш ва халқаро обрўсини юксалтириш, шу мақсадларга эришиш учун юртимизда осудалик ва тинчлик-осойишталикни сақлашдан бугунги кунда бизнинг жамиятимизда ким энг кўп манфаатдор деб сўраса, мен, тадбиркор ва ишбилармонлар, деган бўлар эдим".

Мустақилликка эришиш арафасидаёқ бир нарса аниқ-равшан бўлганки, собиқ тузум пайтида тамомила издан чиққан пароканда иқтисодни қайта йўлга қўйиш учун энг аввало, хусусий мулкни ва бу мулкнинг устуворлигини тан олиш, тараққий топган жаҳон давлатлари тажрибаси асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка йўл очиш, бу ишни жуда қисқа муддат ичида умумхалқ ҳаракатига айлантириш зарур эди. Бу ҳаракатга қўшилганларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш масъулияти ўтиш даврининг бош ислоҳотчиси деб расман эътироф этилган давлатимизнинг зиммасига тушди ва шундай бўлди ҳам. Президентимиз мамлакат Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини изчил ривожлантириш масаласи давлатимизнинг устувор вазифаси даражасига кўтарилди, "бундай сиёсатни, чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган дастурларни амалга ошириш натижасида бу соҳа юртимизда нафақат қайтадан шаклланди, балки унинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолимизнинг катта қисмини қамраб олган соҳага айланди. Ҳозирги вақтда — шунга урғу бериб айтмоқчиман — иш билан банд аҳолимизнинг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол тасдиғидир".

Бундан бир муддат аввал туманларимиздан бирида бўлиб, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар фаолияти, улар учун яратилган имкониятлар билан қизиққан эдим. Мутасаддилар бундай кишилар сафи тобора кенгайиб бораётгани, оилаларга дурустгина даромад кираётгани, янги ишчи ўринлари пайдо бўлаётгани, янада муҳими, тадбиркорлар хайрия йўли билан туман маданий-маърифий ҳаёти ривожига сезиларли ҳисса қўйишаётганини айтишди. Вилоят, мамлакат миқёсида ўтказилаётган турли танловларда фаол қатнашаётган, маҳсулотларини ташқи бозорга ҳам олиб чиқаётган тадбиркорларни ном-ма-ном келтиришди.

Рақамлардан, эришилаётган натижалардан қаноат ҳосил қилса бўлади. Аммо "Бизда шунча тадбиркор бор", деб хотиржам бўлиш ўринсиз, деб ўйлайман. Чунки, ҳаётнинг бугунги шиддати ҳар бир кишидан, касби, соҳасидан қатъи назар, тадбиркор бўлишни, оилада, маҳаллада, меҳнат жамоасида ҳар бир ишга тадбиркорлик, узоқни кўра билишлик уқуви билан ёндашишни тақозо қилмоқда.

Тадбиркорлик шундай хусусиятки, оддий юмушни ҳам чуқур ўйланган режа асосида, маълум тайёргарликдан сўнг бажариш лозим бўлади. Бундай қилинмаса, кутилган натижага эришиш қийин. Мана, масалан молиявий-иқтисодий танглик исканжасига тушиб қолган бугунги Европани олайлик. Лўнда қилиб айтганда, ҳатто банк фаолиятини юритишда ҳам тадбиркорлик керак экан, фақат бугунни эмас, эртани, фақат банк мутасаддиларини эмас, мижозни ҳам ўйлаш керак экан.

Аҳоли ҳар бир мамлакатда турли қатламларга бўлинади. Иқтисодиёти жуда тараққий этган ёки ривожланишнинг дастлабки босқичида турган давлатларда ҳам шундай. Бошқарув тизими бу қатламларнинг ўзига хос хусусияти, талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда иш кўради ва бунда ўрта бўғинга мансуб қатлам, яъни кичик бизнес билан шуғулланаётганларга алоҳида эътибор беради. Буни давлатчилик тарихимизнинг узоқ ўтмишида ҳам кўриш мумкин.

Қадим замонларда аждодларимиз бирор бир касбни пухта эгаллаган, ўз маҳорати сирларини ўғил-қизларига, шогирдларига ўргатган кишиларга ҳурмат билан қараганлар. Оилаларда фарзандларни жуда ёшлигиданоқ ҳунарли қилиш, ҳалол меҳнат, пешона тери билан кун кечиришга ўргатиш, ҳалол ва ҳаромнинг фарқини тушунтириб тарбиялаш одат тусини олган. Ота-оналари касбини давом эттирган ўғил-қизларни яхши ниятда дуо қилишган.

Бу хусусда ибратли мисоллар жуда кўп. Чунончи, ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг олдига оталар ўз фарзандларини шогирдликка олиб келсалар, пири муршид, аввало, улар бирор бир ҳунарни эгаллаганми ёки йўқми — шуни сўрар эканлар. Бордию эгалламаган бўлса, отасига: "Фарзандингиз аввал ҳунар ўргансин, қўлидан бир иш келадиган бўлсин, кейин олиб келинг", деб маслаҳат берар эканлар.

Бу талабнинг замирида жуда катта маъно бор. Ҳунари бор бола вақтини ҳеч қачон беҳуда, мақсад-муддаосиз ўтказмайди. Яхши-ёмоннинг, фойда-зиённинг, кирим-чиқимнинг фарқига бориб, оила, рўзғор харажатларини тушуниб улғаяди. Вақти келиб, ўз фарзандларига ҳам шу руҳда тарбия беради. Натижада, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, ҳалол-поклик, ўзидан яхши ном қолдириш фазилатлари отадан болага, боладан набирага мерос бўлиб бораверади. Шундай узлуксизликка эришилган жойда, шубҳасиз, ижтимоий адолат қарор топади.

Ҳамма замонларда ҳам тарбиясизлик, бебошлик, одоб-ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар, маънавий айнишлар бекорчиликдан, кўчада сандироқлаб юришдан, бировнинг ҳисобига кун кечиришдан келиб чиққан ва шундай бўлади ҳам. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Бир ишнинг этагидан тутмаган, ҳунар нима эканини билмаган бола оиласига, ота-онасига ва ниҳоят, жамиятга кўп ташвиш келтиради.

Фақат шу эмас, битта бекорчи ёки тарбиясизнинг ёнига иккинчи бекорчи, учинчи тарбиясиз қўшилади ва текис жойда муаммо юзага келади. Касални даволашдан кўра, унинг олдини олиш осон деганларидек, болани ёшлигида тўғри йўлга солиш осон, аммо у "кўча тарбия"сини олиб вояга етган бўлса, уни бу йўлдан қайтариш анча мушкул.

Бундан англашиладики, жамиятда тадбиркорлик, ишбилармонлик, оилавий бизнес, уста-шогирдлик анъаналари қанча ривож топса, аҳолининг ўрта ва қуйи қатлами, кам таъминланган оилалар фойдали фаолият билан қанча кўп шуғулланса, жамият иқтисодий жиҳатдан янада бақувватлашади.

Менинг бу фикрларим суҳбатдошимни анча қизиқтириб қўйди. У ҳафтада уч-тўрт марта Тошкентга қатнаб турадиган оддий тадбиркор бўлса-да, кўп нарсалардан яхшигина хабардор экан, суҳбатимиз Қамчиқ довонидан ошиб ўтганимиздан кейин янада қизиди.

— Яқин-яқингача ҳам тадбиркорларнинг шаштини иккита жиддий муаммо қайтариб турарди, - дейди у, — биринчиси — текшир-текшир. Биттаси кетса, иккинчиси келади, уни энди кузатганингизда, учинчиси томоқ қириб кириб келади. Иккинчи муаммо — бир иш бошламоқчи бўлсангиз, икки-уч ой, баъзида бундан ҳам кўп вақт сарсон-саргардон бўлардингиз. Мутасаддиларнинг эшиги олдида сарғайиб ўтирганингиз қоларди. Мана энди, ҳаммаси жойига тушди. Президентимизнинг маърузаларини мен ҳам эшитдим. Хусусий тадбиркорлик қилмоқчи бўлган кишига, ҳужжатлари жойида, режаси аниқ бўлса, икки кун ичида тегишли рухсат берилади. Солиқ текширувлари муддати икки йилдан уч йилга узайтирилди, ягона солиқ тўлови 6 фоизга туширилди. Яна нима қолди? — Ишлаш қолди холос. Юртбошимизнинг кириб келаётган янги йилни "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилишлари менга жуда маъқул бўлди. Битта ҳамкасбим: "Энди эътибор тадбиркорларга эмас, оилага қаратилар экан-да", дейди. Яхши тушунмабди. Тадбиркорлик ривожланса оила мустаҳкам бўлади-ку. Маҳалла аҳил бўлса, ҳеч бир ғавғо чиқмайди. Мана, ўзимни олинг. Бугун Тошкентда қолсам бўларди. Миллий театрда "Ўзбекча рақс" деган спектакль бор экан, кўрганлар мақтаб, ичимни қиздиришди. Аммо маҳалламизда тўй борлиги учун қайтдим. Болаларимни бир кун кўрмасам соғиниб қоламан. Яқин дўстим ўғлини уйлаяпти. Бир ҳафта олдин маҳалла оқсоқоллари билан маслаҳат бўлди. Ёлғиз ўғил, камхарж, аммо кўнгли очиқ йигит. Тўйни эл қатори ўтказамиз, мактабда бирга ўқиган дўстлари унча-мунчасига қарашиб юбордик.

— Эл қатори денг? - сўрайман ундан.

— Энди, ака, маҳаллада яшаганингдан кейин қўни-қўшниларга қарайсан-да, бировда бор, бировда йўқ. Қўлим узун деб, ном чиқардига тўй қилаётганлар ҳам бор. Бизнинг маҳаллада қандай маросим бўлмасин, маслаҳат билан қилинади. Сизга бир мисол айтай. Яқинда ёш қўшиқчиларимиздан бири ўғлига тўй қилди. Тошкентда ҳозир унинг олдига тушадигани йўқ, данғиллама тўйхоналарда ош берса, карнай-сурнай чалдириб, базм қилса бўларди. Аммо у Андижонга келиб, ўзи туғилиб ўсган қишлоқда эл олдига камтарона дастурхон ёзди. Маҳалламиз тўйларидан ортиқча ҳам, кам ҳам бўлмасин, деди. Нуроний отахонлардан ўзига, ўғлига дуо олди. Қаранг, қандай яхши. Аммо буни биров камтарликка йўйса, бошқа биров: "Шу ҳам тўй бўлдими, тўкиб ташламайсанми, бир яйрамаймизми", дея пичинг қилди. Э, тавба...

Алқисса, шу ерга келганда таровати кундан-кунга очилиб бораётган Наманган шаҳрига етиб келдик. Хайрлашиб, машинадан тушмоқчи бўлгандим, Шуҳратжон қатъий туриб олди:

— Шу ерда битта тадбиркор дўстим бор, сизга маъқул бўладиган йигит. Икки оғиз гаплашсангиз бўлди, ўзингиз қизиқиб қоласиз, жон ака, йўқ деманг.

Йўқ дея олмадим. Бордик, аммо тадбиркор йигит билан танишиш насиб этмади. Куни кеча Италиянинг қайсидир шаҳрига жўнаб кетибди. Айтишларича, у ердан янада янги ускуналар олиб келар экан. Шуҳратжон бироз хижолат бўлганди, мен гапни яхши томонга бурдим:

— Кўриниб турибди, дўстингиз анча уқувли йигит экан?

— Ҳа, ишнинг кўзини биладиганлардан. Аммо, Юртбошимизга раҳмат, тадбиркорларнинг йўли очилмаганда бундай йигитларнинг тушларига Италия ҳам кирмасди, Тўйтепадан нарига ўта олишмасди...

Бир қарашда оддий ҳайдовчи, йўл қоидасига амал қилса, манзилингизга омон-эсон олиб бориб қўйса бас, гап-сўзларига эътибор бериш ҳам, бермаслик ҳам мумкин. Аммо у бугунги куннинг, эркинлашаётган жамиятнинг, уйғоқ фикр замонининг ёш, ғурурли вакили сифатида эътиборимни тортди. Таҳлиллари тиниқ, мулоҳазалари ўринли ва самимий. Куюниб гапиришида ватанпарварлик, миллатсеварлик бор. Кириб келаётган янги йилга "Мустаҳкам оила йили" номини бериб, олдимизга янада масъулиятли вазифалар қўйган эканмиз, бу ниятга эришишимизда Шуҳратжон каби оддий, аммо фидойи, янгича тафаккур эгаларининг тиниқ фикри, куюнчаклиги катта аҳамият касб этади. Унинг олис Италияни Тўйтепага қиёслагани эса чарчоғимни бутунлай ёзиб юборди.

**М.АҲМАДЖОНОВ**





## "Байрамлар ярашган мамлакат"

*Тинч ва осойишта, одамлари ҳаётидан рози юртга тантана ва байрамлар ярашади. Ватанимизнинг юраги — Мустақиллик майдонида Янги йилга бағишлаб ўтказилаётган арча байрами тантаналарида бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.*

Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА)
олган суратлар

**ЯКУН**

## Ташаббус ва интилишлар тантанаси

**Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг якуний он-лайн ҳисобот анжумани ва "Келажак овози" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Унда ўтган бир йил давомида жамғарманинг грантлари, маънавий-маърифий тадбирлари, кўрик-танлов, турли лойиҳа ва фестивалларида фаол иштирок этган санъаткорлар, маданият арбоблари, шоир ва ёзувчилар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Он-лайн анжумани "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг энг йирик якуний ҳисоботи саналади. Олтинчи маротаба ўтказилаётган анжуманнинг аҳамияти шундаки, www.on-line.uz сайтида машҳур шахслар, ташкилот мутахассислари, эстрада ва кино юлдузларининг кенг жамоатчилик билан тўғридан-тўғри мулоқоти уюштирилиб, жамғарма лойиҳалари ва фаолияти таҳлил қилинади.

Йиғилишда жамғарманинг халқаро фаолияти, "Келажак овози" ёшлар лойиҳаси, мода ва дизайн, продюсерлик, спорт, инклюзив таълим, конференция ва форумлар, хайрия акциялари, кўкрак бези саратонига қарши кураш, волонтёрлик йўналиши каби мавзуларда қизғин баҳс-мунозаралар ташкил этилди.

Жорий йил жамғарма томонидан маданият, санъат, хайрия, фан, спорт, тиббиёт соҳасида маҳаллий ва халқаро миқёсдаги 497 та лойиҳа, умумий қиймати бир милилард сўмдан ортиқ 594 та грант, тиббиёт соҳасида 5 та йирик объект реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. "Ҳаёт учун!" хайрия марофонида 33 мингдан зиёд аёл қатнашиб, имконияти чекланганларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолияти учун "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва Республика "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси Special Olimpics Europe/Eurasia ташкилотининг махсус сертификати билан тақдирланди.

Шунингдек, анжуман давомида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган "Келажак овози" танловининг республика ғолибларини тақдирлаш маросими, унинг доирасидаги концерт дастури барчага бирдай манзур бўлди.

Анжуманда жамғарманинг йирик лойиҳалари — "Таълим грантлари дастури", "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури", "Спорт грантлари дастури" ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Эстрада юлдузлари, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари иштирокидаги концерт дастури йиғилганларга бир олам қувонч улашди.

**Азима ҚИЁСОВА**

**МЕЗОН**

*Ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий омилларидан бири — инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уни ҳимоя қилишдан иборат. Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Инчунун, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7 та бобдан иборат бўлган иккинчи бўлими "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари", деб номланди.*

## Инсон ҳуқуқлари

### ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Асосий Қонунимизнинг II боб, 13 моддасига мувофиқ "Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият" даражасига кўтарилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда "Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенг"лиги кафолатланди. Шунингдек, Конституцияда инсон ҳаёти ва фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари, фуқаролик мақоми ва бурчлари очиқ-ойдин белгиланди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш жамиятда ҳуқуқий маданият даражаси, фуқаролар онги, улар ўз ҳуқуқ ва бурчларини нечоғли билишлари каби омиллар билан бевосита боғлиқ бўлган жараёндир. Президентимиз ташаббуси билан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда, махсус дастурлар амалга оширилмоқда.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг яна бир муҳим омили — мамлакатимизни инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларга қўшилиши ва тан олинишидир. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар шахснинг давлат ва жамият билан муносабатларида кафолатланадиган ҳуқуқлари билан бир қаторда, давлат ва жамият олдидаги мажбуриятларини ҳам назарда тутади. Инсон ҳуқуқларига бағишланган энг муҳим халқаро ҳужжатлардан бири — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29-моддасида: "Ҳар бир инсон жамият олдида масъулдир, фақат шу ҳолдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин", деб белгилаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича умумэътироф этилган халқаро андозаларни ўзида мужассамлаштирган умумбашарий аҳамиятга молик ҳужжатлар декларация, конвенция, пакт ва шартнома, деб номланади. Бундай ҳужжатларнинг энг асосийлари қаторига, юқорида қайд этилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси билан биргаликда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, миллати, элати, дини ёки тили нуқтаи назаридан кам сонли бўлган гуруҳга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Бағрикенглик тамойиллари декларацияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг бир қанча конвенциялари киради. Ҳуқуқшуносларнинг ҳисоб-китобларига кўра, инсон ҳуқуқларининг халқаро стандартларини ўзида мужассамлаштирган халқаро ҳужжатларнинг умумий сони бугун 80 тадан ошади. Эътиборлиси шундаки, истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига доир 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатга қўшилди, БМТнинг мазкур соҳадаги олтита асосий халқаро шартномаси қатнашчисига айланди.

Мазкур жараённинг икки муҳим жиҳати бор. Биринчиси, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди, шу билан биргаликда мамлакатимиз халқаро ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларини эътироф этиш, кафолатлаш ва амалга ошириш каби мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Иккинчидан, халқимиз минталитети, бой тарихи, миллий қадриятлари, шунингдек, ўзига хос миллий тафаккур тарзидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида фуқароларимиз онги, жамиятдаги ўзаро муносабатларида муносиб ўрин топиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида инсонпарварлик тушунчаси халқимиз қонига сингиб кетган эзгу фазилат сифатида ўзига хос мазмун-моҳият касб этиб бормоқда. Юртимизда асрлар давомида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини авайлаш, унга зиён етказмаслик миллий тарбия марказида турган қатъий талаблардан бири бўлиб келаётгани сабабли замонавий маънодаги инсон ҳуқуқлари биз учун бениҳоя яқин, азиз тушунча, қадрият саналади. Бу эса мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро ҳужжатларга қўшилишидан келиб чиқадиган мажбуриятларни тўлиқ амалга ошириш учун лозим бўлган мустаҳкам маънавий-ҳуқуқий асос мавжудлиги ва такомиллашиб бораётганлигининг ёрқин далилидир.

Мухтасар қилиб айтганда, халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тамойиллари Асосий қонунимиздаги меъёрлар билан тобора уйғунлашиб бормоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормалар, ўз навбатида, конституциявий ҳуқуқнинг ривожланиши, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнига янада кўпроқ таъсир ўтказмоқда.

**Наргиза ТУРСУНОВА,**
**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси**

**Ҳуқуқшуносларнинг ҳисоб-китобларига кўра, инсон ҳуқуқларининг халқаро стандартларини ўзида мужассамлаштирган халқаро ҳужжатларнинг умумий сони бугун 80 тадан ошади. Эътиборлиси шундаки, истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига доир 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатга қўшилди, БМТнинг мазкур соҳадаги олтита асосий халқаро шартномаси қатнашчисига айланди.**

# МАЪНАВИЯТ



# Билганингни дўстингга ҳам ўргат

**БУ ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ШИОРИГА АЙЛАНГАН**

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Мен эса катта опамнинг сепига пешмат тикиш учун олган андозамни дугоналаримга кўрсатаяпман,- деди даврада турган ўқувчи қиз.

Шу пайт мактаб раҳбари Норхўжа Рахимходжаев келиб, бизларни дарс жараёнини кўришга таклиф этди. Бино ичидаги нақшинкор безаклар ҳамда болаларнинг ўз қўллари билан ясаган буюмларнинг тасвири туширилган стенд эътиборимизни тортди. Кейин бирма-бир амалий санъат дарсларини кузатдик.

— Мактабимизда меҳнат ва халқ ҳунармандлиги дарслари давлат стандарти, назарий ва амалий машғулотлар асосида олиб борилади, - дейди бошланғич синф раҳбари Феруза Махаматова. — Жами 872 нафар ўқувчимиз бўлиб, уларнинг бари турли амалий санъат сирларини ўрганиб келишади. Бошланғич синф қизлари тикиш-бичиш ва оддий чок, тўқиш санъати ҳамда юқори синфларда зардўзликни эгаллашга ҳаракат қилишса, ўғил болалар кундалик турмушда қўлланиладиган буюмларни ясаш, нақш, ёғоч ўймакорлиги, ганч санъатини ўзлаштиришади. Ўқувчилар ҳунар ўрганиш жараёнида «ўзинг билдингми, ўртоғингга ҳам ўргат» шиори остида иш кўришларига аҳамият берилади. Бу ўз навбатида болада инсоний фазилатлар тўғри шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

## ТЎҚИШ САНЪАТИ

Ўзбек халқи азал-азалдан қўл ҳунармандчилиги сирларини чуқур эгаллаб, моҳирлик билан кашта, жияк, дўппи, тўн ва сўзаналар тикиш билан шуғулланиб келган. Ҳатто, ҳозирги кунда ҳам аёлларимиз орасида қўлда кийим-кечак тўқиш урфга айланиб бормоқда. Негаки, қўл меҳнати билан яралган ҳар қандай нарса ўзининг бежиримлиги ва бетакрорлиги билан эътиборимизни тортади.

— Тўқиш амалий санъатнинг бир тури бўлиб, хотин-қизлар учун жуда муносиб ва озода иш ҳисобланади. Қолаверса, тўқиш ниҳоятда завқли ва фойдали ҳамдир, - дейди тўқиш ҳунари ўқитувчиси Васила Файзиева. — Энг афзали тўқилган кийим яроқсиз бўлиб ётмайди ёки ташлаб юборилмайди. Уни ипларини сўкиб қайтадан тўқиш мумкин. Тўқиш ҳунарини эгаллаган ҳар бир қизда ўзига нисбатан ишонч ва яратувчанлик қобилияти ортиб боради. Шу боис, бошланғич синфлардаги қизларнинг жажжи бармоқларига ручка, қалам ушлашни кўрсатганимиздек, тўқиш қуроллари ҳаракатини ҳам ўргатамиз. Қизларнинг тўқиган буюмлари аввалига ўхшамаса-да уларни шаҳдини туширмай қўл ушлагич ёки бошқа буюмларга айлантириб юборамиз. Оддий ипдан кийим тўқиш бу «игна билан қудуқ қазишдек» гап. Шу боис, ўқувчиларнинг сабр ва қаноат билан ҳунар ўрганишга интилаётганининг ўзи бир ютуқ. Мисол учун бу йил 5 синф ўқувчимиз Арофат Абдуллахонова онаси учун жуда чиройли кўйлак тўқиди. Қолаверса, Арофат Фонд форум томонидан ташкил этилган кўрик-танловда қатнашиб фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Мусобақа жараёнини кўргани келган онаси қизи тўқиган кўйлакни ғурурланиб кийиб келди. Давранинг ўртасида жойлашиб олган қизчамизнинг митти қўлчалари билан қулупнайларни тез-тез тўқиб саватга отаётганини кўришнинг ўзи бир завқ. Она учун бундан ортиқ бахт бормикан.

## ЗАРДЎЗЛИК

— Нақш безаклари орқали инсон борлиқни, гўзаллик ва яхшиликни кўради, зар ип билан тикилган миллий нақш тили орқали эса одамларга эстетик завқ бағишлайди,- дейди қизлар халқ ҳунармандчилиги ва меҳнат ўқитувчиси Ақида Ғаниева. — Халқ амалий санъати нақшлар асосида буюмларга бадиий ишлов беришдан иборатдир. Нақшлар жисмга турли йўллар — чизиб, ўйиб, қадаб, қўл чокларида, тўқиб, гул босиб, зар билан туширилади.

Таъкидлаш лозимки, кўйлак ва бошқа буюмларга каштачилик ва зардўзлик безакларини беришдан аввал матога безак бериб, кейин бичиш-тикиш ишлари амалга оширилади. Шунинг учун, бу йўналишдаги машғулотларда асосан матога каштачилик ва зардўзлик сайқалларини тикиш усуллари ўргатилади. Бундан ташқари дарслар жараёнида ўқувчиларга турли майда буюмларни тикиш усуллари (аёллар дўпписи, келинлар шарфи ва пешматлари, куёв тўн ва саллалари, ётоқхона буюмлари, дастурхон ва салфеткалар, бисер тикиш) ҳам ўргатилади. Албатта, кийим ва буюмларни каштачилик ёки зардўзлик усулларида безашни бир уринишда ҳеч ким уддалай олмайди. Бунинг учун сабр-тоқат ҳамда қизиқиш бўлиши керак. Аммо, келажакда қизлар қайси касбнинг эгаси бўлишидан қатъий назар, уларга бу ҳунар оилада асқотиши турган гап. Шуни инобатга олган ҳолда қизларнинг «сепли эмас эпли қиз» бўлишига ҳаракат қилиб, уларга амалий санъатимизни кунт билан ўргатиб келмоқдамиз. Ишончим комилки, ҳар бир хонадонда чевар хотин-қизларнинг бўлиши энг аввало оила бюджетига ва уларнинг маънавий юксалишига катта ёрдам беради.

## ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ ВА БАДИИЙ МИНИАТЮРА

Ёғочга нақш ўйиш ва гул солиш санъати ҳамиша ардоқланиб келинган. Ҳозирги пайтда ёғоч ўймакорлиги меъморчилик билан бир қаторда рўзғор буюмларига безак беришда кенг қўлланилмоқда. Маҳаллий анъаналарни авайлаб, ардоқлаб, уларни янги мазмун билан бойитаётган халқ усталари, асрлар давомида сайқал топган қадимий санъатнинг етук намуналарини яратмоқдалар. Ҳар бир уста ўзи яшаб, ижод этган ердаги бадиий анъаналарнинг ўзига хос томонларини ижодида акс эттиради. Масалан, хивалик халқ усталари ёғочнинг табиийлигини сақлаб қолган, бухороликлар эса нақш ўйиб ишланган буюмларни жимжимадор қилиб, уни олтинсимон ва кумушсимон ранглар билан бўяшган. Қўқонлик халқ усталари ёғочни ўйиб нақш солишда уни ўрта чуқурликда ўйганлар. Тошкентда эса тахта юзасидаги нақшлар заминсиз, чизиқлар орқали бажариб, ҳошияли нақшлар кўп ишлатилган. Марғилон усталари ўймакорлик заминини ўта чуқур ўйганлар. Ҳозирда устоз-шогирд мактабларида бу усуллардан кенг фойдаланилмоқда.

Халқ амалий санъати мактабидаги суҳбатимизга келсак, энди навбат бадиий миниатюра ва ёғоч ўймакорлиги хонасига келганда қўнғироқ чалинди. Биз «афсус болаларни ижодини кузата олмас эканмиз», деган хаёл билан синфга кирдик. Қарангки, болаларнинг ҳеч бири жойидан силжимай ўз иши билан банд эди. Ҳатто, ўқитувчи уларга дарс тугаганини айтса ҳам парво қилишмасди.

— Мазкур мактабда ўн беш йилдан буён ишлаётган бўлсам ҳар сафар шу ҳол,- дейди наққошлик ва бадиий миниатюра фани ўқитувчиси Саодат Худоёрова. — Ўқувчиларимиз ёғоч ўймакорлиги ва бадиий миниатюра санъатига ўзгача меҳр қўйишгани рост. Улар республика кўрик-танловларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашаётгани ҳам шундан бўлса керак. Масалан, ўтган йили «Янги авлод» республика кўрик-танловида рассомчилик йўналиши бўйича 7-синф ўқувчиси Жасур Қодиров биринчиликни олган бўлса, бу йил 20 нафар ўқувчимиз ҳар хил йўналишлар бўйича кўрик-танловларда иштирок этиб, муносиб ўринларни эгаллашди. Булардан 9-синф ўқувчиси Бобиржон Ҳамидов «Баркамол авлод» кўрик-танловида ёғоч ўймакорлиги бўйича туманда биринчи ўринга сазовор бўлгани ҳамда Исломиддин Абдуллаевни «Энг иқтидорли ўқувчи» кўрик-танловида биринчиликни олганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Айтиш жоизки, ўқув машғулотлари давомида ўқувчилар ёғоч ўймакорлигининг тарихи билан танишиб, дурадгорлик бўйича керакли маълумотларни ҳам эгаллашади. Йилдан-йилга олган билимлари ва малакалари чуқурлашиб, мураккаблашиб боради. Аввалига, ўйма лаганлар, ўйма курси, нақшли стул ва миллий хонтахталар тайёрлаш ва уларни миниатюралар билан бойитишни ўрганадилар. Ўқувчиларнинг ижод этиш малакаларини ривожлантиришда уларнинг бўлажак нақш элементларини «кўра билиш»лари муҳим аҳамиятга эгадир. Шундай экан, ўқувчиларнинг тасаввурини бойитиш, тушунчаларини кенгайтиришга алоҳида ёндашилади. Бу борада мактабимизда турли байрам кечалари ва кўргазмалар уюштириб келинади. Ўқувчиларни доимий рағбатлантиришимиз эса улардаги шижоатни янада юксалиши ва илҳом билан ижод этишларига чорлайди. Хусусан, мактабимиз музейи ҳам йилдан-йилга халқ амалий санъати буюмларига бойиб бормоқда.

Аждодларимиз томонидан асрлар давомида шаклантирилган ўзбек халқ амалий санъати бугунги кунда умуминсоният маданиятида муҳим ўрин эгаллади. Ўзбек халқ амалий санъати намуналари жаҳонга машҳур бўлиб, дунёнинг турли шаҳарларидаги санъат ва этнография музейларидан ўрин олиб келмоқда. Келажагимиз пойдевори бўлмиш ёшларимиз эса бугун ўрганаётган билимларини ёш авлодга етказишга ҳамда миллий меросимизни асрашга сафарбар қилишларига аминмиз.

**Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА**

# Ватан барчамиз учун муқаддасдир

(Давоми. Боши 1-бетда)

— 2007 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Тошкент ҳарбий-телекоммуникация академик лицейига бу йили 150 нафар ўқувчи қабул қилинди, - дейди мазкур лицей директорининг ўринбосари Ўринбой Бобоёров. — Ҳозирги кунда лицейимизда 448 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Ўқувчиларга чуқур, профессионал таълим бериш билан бирга, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — бизнинг бош вазифамиздир.

Лицейда таълим-тарбия ишлари, илғор педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда, ҳарбий соҳалар ҳамда олий ҳарбий-таълим муассасалари ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришга йўналтирилган ўқув режалари ва дастурлар асосида ташкил қилинган.

Таълим даргоҳининг кун тартиби ҳарбийча бўлиб, у ҳар бир курс учун алоҳида тузилади. Бу ёшларда профессионал кўникмаларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларга 30 нафардан ортиқ тажрибали устозлар, қарийб 20 нафарга яқин офицер ва сержантлар ихтисосга оид ва умумтаълим фанларидан сабоқ беради, уларни мустақиллик, демократия ғоялари ва халқимизнинг маънавий ва тарихий қадриятларига садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялайди. Машғулотларда ўқувчиларда фаол ижтимоий-фуқаролик позициясига оид кўникмаларни камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш мақсадида бу ерда 20 та тўгарак ташкил қилинган бўлиб, уларнинг 14 таси ўқитиладиган фанларни тўлдиришга хизмат қилади, 6 таси эса спорт секцияларидир. Улар орасида айниқса, "Ахборот дунёси", "Ёш физиклар", "Ёш математиклар", "Ёш тарихчилар", "Ёш адабиётчилар" тўгаракларига, енгил атлетика, қўл жанги, волейбол, футбол, баскетбол каби спорт секцияларига кўплаб ўқувчилар қатнашади.

Лицейда 12 мингдан ортиқ номдаги китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, турли жиҳозлар билан таъминланган компьютер кабинети ўқувчилар ихтиёрида. Бу ёшлар учун маънавий оламини бойитиш ва янги ахборот технологиялари билан танишиш имконини беради.

— Мана шундай таълим даргоҳида сабоқ олаётганимдан мамнунман, - дейди 2-курс ўқувчиси Ботир Тоҳиров. — Лицейимизда ҳам жисмонан, ҳам интеллектуал ривожланиш учун барча шароитлар яратилган. Мен хорижий тиллар бўйича ўтказиладиган олимпиадаларда иштирок этаман, спорт билан шуғулланаман. Келажакда танлаган йўналишим бўйича ўқишни давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилмоқчиман.

Лицей ўқувчилари миллий армиямиз юбилейига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Улар турли танловларда қатнашмоқда, маданий дастурлар тайёрлаб, ўзларининг ижодий фаоллигини намоён этмоқда. Масалан, «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзуидаги энг яхши деворий газета танлови ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Унда 201-гуруҳ ўқувчилари ғолиб чиқди. «Мардлар қўриқлайди Ватанни» мавзуидаги иншолар танловида ўқувчилар ўз ижодий қобилиятини намойиш этди. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассислари иштирокида ўтган тадбир ҳам қизиқарли бўлди. Унда вазирлик мутахассислари ўқувчиларни ўз билими ва амалий тажрибаси билан таништирди. Лицейда Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллигини муносиб нишонлаш бўйича маданий дастурлар, мусиқий чиқишлар ва саҳна кўринишлари тайёрланмоқда.

**Р.БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

# ОБОДЛИК



# Мустақиллик муваффақият ва манзаралари

## УНИ ОЛИС ЗАРАФШОН ШАҲРИ ТИМСОЛИДА ҲАМ КЎРИШ МУМКИН - ДЕЙДИ ЎзМТДП ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ, ЗАРАФШОН ШАҲАР ҲОКИМИ, СЕНАТОР ИЛҲОМ ЭШМИРЗАЕВ

**— Зарафшон шаҳрининг нафақат Навоий вилояти, балки Ўзбекистон миқёсида ўз мавқеи ва ўрни бор. Аввало, ана шулар ҳақида тўхталсак.**

— Дарҳақиқат, Зарафшон шаҳри ўзининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнида Зарафшон меҳнаткашларининг, бу ерда фаолият кўрсатаётган Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси, Зарафшон қурилиш бошқармаси ишчи-хизматчиларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Уларнинг самарали меҳнатлари туфайли зарафшонликларнинг юртимиз иқтисодий қудратининг ошишига қўшаётган ҳиссалари йилдан-йилга салмоқли бўлмоқда. Зотан, бу корхоналарнинг фаолияти мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ва оширилаётган чуқур иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқдир. Айнан мустақилликнинг илк йилларидаёқ муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг бу соҳага берган жуда катта эътибори, амалий ёрдами туфайли Марказий кон бошқармасининг барча корхоналари нафақат ўз мавқеи ва қувватини сақлаб қолди, балки ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга муваффақ бўлди. Ана шу давр ичида 2-Гидрометаллургия заводининг асосий блоклари қайта реконструкция қилинди ва янги технологиялар билан таъминланди. Буларнинг барчаси бевосита Президентимиз раҳбарлигида халқ хўжалиги тармоқларини изга солишга қаратилган иқтисодий ислоҳотларнинг самараси эди.

Йигирма мингдан зиёд киши меҳнат қилаётган Марказий кон бошқармасида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш устида мунтазам ижодий изланишлар олиб борилмоқда.

Айниқса, мустақиллик йилларида Қизилқум фосфорит мажмуасининг ишга туширилиши мамлакатимизда кон металлургия саноати соҳасида қўлга киритилган йирик муваффақиятлардан бири бўлди. Эндиликда бу ерда ҳар йили бир миллион тоннадан зиёд фосфорит рудаси қазиб олинмоқда. Улар хомашё билан нафақат мамлакатимиздаги минерал ўғитлар ишлаб чиқариладиган заводларни, балки чет эл корхоналарини ҳам таъминламоқда.

Мустақиллик йилларида “Велан”, “Добродея”, Ўзбекистон-Россия қўшма корхоналари барпо этилди. Маълумки, чўл шароитида аҳоли ва саноат корхоналарини сув билан таъминлаш энг долзарб масалалардан бирига айланган. Мустақиллик даврида бу муаммоларга жиддий эътибор қаратилди. Ана шу давр ичида сув сақлайдиган янги захиралар барпо этилди. Амударё-Зарафшон йўналишидаги насос станцияларида кенгайтириш ишлари амалга оширилиши натижасида ушбу сув йўналишининг ўтказувчанлик қуввати 13,2 фоизга ошди. Айнан мустақиллик йилларида шаҳримиздаги барча хонадонлар тўлиқ табиий газ билан таъминланди.

**— 2011 йил якунлари ва “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурининг шаҳар доирасида бажарилиши ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Шаҳарда саноат салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги қувватларни ишга тушириш ва ана шу орқали кўплаб иш ўринларини яратиш мақсадида республика ҳукумати томонидан тасдиқланган “2010-2012 йилларда Навоий вилоятида саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича Дастур”и доирасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Мустақиллик йилларида шаҳарда 400 дан зиёд кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият бошлади. Ана шу давр ичида ўнлаб янги корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан барпо этилган ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди, юзлаб иш ўринлари яратилди. Масалан, “Зарафшон Караван” масъулияти чекланган жамияти томонидан лойиҳа қиймати 117 минг АҚШ долларлик, бир кеча-кундузда беш тонна унни қайта ишлайдиган нон ва кондитер маҳсулотлари цехи фойдаланишга топширилди. Ўтган вақт ичида жамият томонидан 250 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, шаҳарликлар дастурхонига туҳфа этилди. “Шаҳзод Зарафшон” хусусий корхонаси томонидан лойиҳа қиймати 150 миллион сўмлик, бир йилда икки юз тонна гўштни қайта ишлайдиган цех фойдаланишга топширилди. “Зарафшон Извест” масъулияти чекланган жамияти эса “Акфа” эшик-ромлари ишлаб чиқариш цехини қуриб битказди. Бир йилда юз миллион сўмлик маҳсулот тайёрлайдиган ушбу корхонада ўн нафар янги иш ўрни яратилди. Биз катта қувватдаги цехларни қурган “Омад-Бизнес Зарафшон”, “Зарафшон овози” масъулияти чекланган жамиятлари ҳақида ҳам худди шундай фикрларни билдиришимиз мумкин. Бундай янги иш ўринларининг яратилиши натижасида аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги муаммолар муваффақиятли ҳал қилинмоқда.

Шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, ички бозорни арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида шаҳримизда иссиқхона ва паррандачилик корхоналари ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, “Форум Зарафшон”, “Саноат Зарафшон”, “Шохруз Алмаз” ва “Шкода Транс Зарафшон” масъулияти чекланган жамиятлари томонидан лойиҳа қиймати 523 миллион сўмга тенг бешта иссиқхона қурилиб, фойдаланишга топширилиши натижасида аҳоли қиш пайтларида ҳам резавор сабзавотлар билан таъминланмоқда.

Мақсадли дастурларнинг ижроси натижасида шаҳарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11 фоиз, истеъмол товарлари 9,1 фоиз, асосий капиталга жалб этилган инвестициялар ҳажми қарийб 15 фоиз ўсди.

Молия бозоридаги барқарор вазият мустаҳкамланиб, аҳолининг банклардаги омонатлари ҳажми 19 миллиард 600 миллион сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 миллиард 200 миллион сўмга кўпайди. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати туфайлидир.

Мустақиллик йилларида шаҳарда ободонлаштириш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Янги турар жой бинолари қад кўтарди. Йўллар кенгайтирилиб, қайтадан асфальт ётқизилди. Шаҳар атрофини боғлар билан ўраш лойиҳаси ишга туширилди. Турли ташкилотлар ва аҳоли кўмагида фақат шу йилнинг ўзида 10 гектардан зиёд янги боғларга асос солинди.

**— Сиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сифатида ҳам иш олиб борасиз. Фаолиятингизнинг ана шу қирралари ҳақида ҳам фикр билдирсангиз.**

— Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида ислоҳотлар тобора чуқурлаштирилиб, парламентнинг жамият ҳаётидаги мавқеи мустаҳкамланмоқда. Эндиликда Олий Мажлис Сенати қўмиталарида, маҳаллий кенгашлар сессияларида ижро ҳокимияти раҳбарларининг, айтайлик, депутатлик сўровлари ёки бошқа масалалар юзасидан ҳисоботларини тинглаш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Бу, ўз навбатида, парламент ва депутатлик ваколати орқали барқарор жамоатчилик назоратини амалга оширишга замин яратмоқда.

Бу жараён барчамиздан катта тайёргарликни, фаолликни тақозо этади. Президентимиз таъбири билан айтганда, ислоҳотлар муваффақияти, ривожланган фуқаролик жамиятини қуриш кўп жиҳатдан депутатларимиз ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига бевосита боғлиқдир. Бу борада маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаол-



лиги алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, маҳаллий кенгашларда қабул қилинган регламентда уларнинг ваколат ва вазифалари аниқ белгилаб берилган. Депутатлар ва айнан депутатлик гуруҳлари ўз ҳудудидаги корхона, ташкилот раҳбарларига депутатлик сўрови билан чиқиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқлардан оқилона фойдаланиш жойларда ҳудудий дастурларни тўлақонли бажарилишига хизмат қилиши турган гап.

Шу боис, олдимиздаги вазифалар моҳиятини чуқур тушунтириш мақсадида Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашишга йўналтирилган семинар-тренинглар уюштирилмоқда. Улардан кўзланган асосий мақсад депутатлик сўрови, ижро ҳокимияти раҳбарлари ҳисоботи, сессия ва доимий комиссиялар иш режасига масалалар киритишга оид илғор тажрибаларни умумлаштириш ва ўрганишдир. Ана шундай семинарларда мавжуд нуқсон ва камчиликлар аниқланади ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади.

Аслини олганда депутат ўзи олиб бораётган фаолият моҳиятига кўра сайловчилар билан ҳамнафас. Шу сабабли депутатлар аҳоли мурожаатларини ўрганиб, уларнинг талаби асосида ўз ҳудудларидаги тегишли тармоқ ва корхоналар раҳбарлари ҳисоботини эшитишни йўлга қўйиб бориши айни муддаодир, деб ўйлайман. Бу табиийки, ҳар бир депутат учун ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда фаол қатнашиш учун замин яратади.

Агар эътибор қилган бўлсангиз, муҳтарам Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепция парламент ва маҳаллий Кенгашлар нуфузини, масъулиятини оширишга ҳам қаратилган. Хусусан, парламент ва жамоатчилик назорати механизмини шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

**— Шаҳарда 2012 йилда амалга ошириладиган ишлар ва белгиланаётган режалар ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Бугунги кунда етмиш мингдан зиёд киши истиқомат қилаётган шаҳримиз ва унинг тасарруфидаги қўрғонларда 13 та маҳалла фуқаролар йиғини, 12 та ўрта умумтаълим мактаби, 3 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, Навоий кончилик институтининг Зарафшон умумтехника факультети фаолият кўрсатмоқда. Ана шундай барча турдаги ўқув юртларида йигирма мингдан зиёд ўғил-қизларимиз таҳсил олишмоқда. Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ эртамиз эгалари — ёш авлоднинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш, иқтидор ҳамда истеъдодини юзага чиқариш, қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириш каби эзгу мақсадларга давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Зеро, Юртбошимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган қатор дастурлар фарзандларимизни баркамол, замонавий билим ва тараққиёт ютуқларини эгаллаган, маънавий етук авлодни тарбиялашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Бугун биз мамлакатимизда халқ, касб-ҳунар ва олий таълим борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бу соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқларни Зарафшон шаҳри мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш учун олиб борилган катта тайёргарлик ишларида зарафшонлик ёшлар ҳам фаол иштирок этишди. Биз фан ва спорт бўйича ўтказилаётган республика ва халқаро мусобақаларда юқори ўринларга сазовор бўлаётган ўғил-қизларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Мамлакатимизда муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида олиб борилаётган барча ишлар, ислоҳотлар, энг аввало, юртимиз истиқболи, халқимиз келажагини ўйлаб амалга оширилмоқда. Буни зарафшонликлар ҳам чуқур идрок этишади. Шу сабабли ҳар биримиз эртанги ёруғ кунларга янада катта ишонч билан қараймиз. Ҳар бир зарафшонликнинг ғайрати, шижоати ана шу улкан яратувчилик, бунёдкорлик ишларида собитқадамлик кўрсатишга йўналтирилгандир.

Маълумки, республикамиз Президенти Ислом Каримов кириб келаётган янги 2012 йилни мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилишни таклиф этди. “Янги йилга мана шундай ном беришимиз, - дея таъкидлади давлатимиз раҳбари, - азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан - жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан - мамлакат барқарор”. Биз ҳам келгуси йилда ана шу йўналишда амалга ошириладиган ишларимизни режалаштиришга киришдик.

Бундан ташқари, 2012 йилда шаҳарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига юзлаб янги иш ўринлари яратилади. Қолаверса, зарафшонликларнинг шаҳримизни боғларга буркаш учун барпо этаётган майдонлари янада кенгаяди. Навоий вилоят ҳокимининг “Навоий вилоятида 2012 йилда ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш ва улардан мақсадли фойдаланиш дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш асосида шаҳримизда бешта иссиқхона, иккита паррандачилик корхоналари, битта қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, учта озиқ-овқат ва тўртта ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, саккизта қурилиш материаллари тайёрланадиган корхона ва иккита мини-маркет барпо этилиши мўлжалланмоқда. Фақат ана шулар ҳисобига 151 та янги иш ўрни яратилади. Қолаверса, 2012 йилда хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини янада ривожлантириш дастури асосида шаҳар бўйича олтмишта янги савдо шахобчаси, иккита умумий овқатланиш муассасаси, битта кийим-кечак ва иккита пойафзал, иккита маиший техникаларни таъмирлаш устахонаси ва бошқа хизмат кўрсатиш бўйича янги-янги объектлар, жами 94 та ана шундай муассаса ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Хуллас, янги 2012 йилда амалга ошириладиган ишларимиз кўлами кенг. Биз бу режаларни амалга ошириш учун ғайрат-шижоатимизни аямаймиз, албатта.

**Суҳбатдош:
Эркин ДОРИПОВ,
“Milliy tiklanish”
мухбири**

**ТАНЛОВ**

# Юрагимни болаларга бағишлайман

## ПОЙТАХТДА АНА ШУНДАЙ НОМДАГИ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ

***Танлов Республика Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан ташкил этилди.***

Кўрик-танлов Меҳрибонлик уйи тарбиячиларининг педагогик малакасини ошириш, етим ҳамда боқувчисини йўқотган болалар билан ишловчи таълим муассасалари педагогларининг ютуқларини рағбатлантириш, ижтимиоий ҳимояга йўналтирилган таълим тизимини такомиллаштириш, педагогик технологияларни таълим соҳасига жорий этиш, иқтидорли тарбиячиларни аниқлаш, уларнинг тажрибасини тарғиб қилиш ва ёш мутахассисларнинг билим маҳоратини юксалтиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Танловда зардўзлик, каштачилик, тўқимачилик, ҳайкалтарошлик кўргазмалари намойиш этилди.

— Давлатимиз томонидан меҳрибонлик уйларига катта эътибор қаратилмоқда,− дейди Фарғона вилояти меҳрибонлик уйи тарбиячиси Адиба Эркабоева. — Болаларнинг бўш вақтлари бекор ўтмаслиги учун уларни касб-ҳунарга йўналтириш, билимини ошириш ва касб-ҳунар ўрганиши учун барча шароитлар муҳайё.

Танлов ғолиблари Халқ таълими вазирлиги ва “Sen Yolg'iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармасининг фахрий ёрлиқлари, ташкилий қўмита таркибига кирувчи идораларнинг қимматбаҳо соврин ва совғалари билан тақдирланди.

**Бобомурод ИБРАГИМОВ,
“Туркистон-пресс”**




# ҚУТЛОВ

ҲУҚУҚ

## Гаров тўғрисидаги шартнома

### УНИНГ ШАКЛИ ВА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

***Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулк ёки унга бўлган ҳуқуқни бериши гаров ҳисобланади. Шунга кўра, қарздор гаров тўғрисидаги шартнома мажбуриятларини бажармаган тақдирда кредитор (гаровга олувчи)нинг талаби мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи)нинг гаровга қўйилган мол-мулки қийматидан бошқа кредиторларга қараганда имтиёзли равишда қаноатлантирилишига қонунда белгилаб қўйилган чегиришлардан кейингина ҳақли бўлади.***

Гаровга олувчининг талаби гаровга қўйилган мол-мулк йўқолгани ёки унга зиён етказилгани учун суғурта ҳақидан (мол-мулк кимнинг фойдасига суғурта қилинганидан қатъий назар) юқоридаги асосларда қаноатлантирилишига ҳақли, башарти, мол-мулкни йўқотиш ёки унга зиён етказиш гаровга олувчининг айбига кўра юз бермаган бўлса.

Гаров амалда шартнома ёки қонун асосида юзага келади. Гаров закалат, ипотека, шунингдек, ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкин. Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закалат деб ҳисобланади. Кўчмас мулкни гаровга қўйиш ипотека ҳисобланади.

Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси ҳисобланади. Агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қуювчида қолади. Гаров тўғрисидаги шартномада гаров нарсаси, унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак. Шунингдек, гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши шарт.

Гаров тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилади. Ипотека тўғрисидаги шартнома, кўчар мол-мулк, унга бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал идора томонидан тасдиқланиши шарт.

Ипотека тўғрисидаги шартнома тегишли мол-мулк ҳақида тузиладиган битимларни белгилаш учун тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор тараф билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

**Зулайҳо ИБРАГИМОВА,**
**Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 7-сон давлат нотариал идораси нотариуси**






● ТИББИЙ ХИЗМАТ

# Аҳоли саломатлиги

ШИФОКОРЛАР ЭЪТИБОРИДА

*Қурувчилар қурган биноларини, деҳқонлар уйған хирмонларини, олимлар янги кашфиётларини кўрсатиб, ўз меҳнат натижаларини исботлаши мумкин. Лекин шифокорлар эришаётган ютуқларини қўллари билан кўрсатиб, бармоқлари билан санай олмайди. Чунки, Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги кунда соҳа ходимлари эришаётган муваффақиятлар ишора-ю саноқларга сиғмайдиган даражада миқёси катта.*



Қаранг, юртимиз тинч, дастурхонимиз файзли, турмушимиз фаровон. Байрамларимиз байрамларга, тўйларимиз тўйларга уланаяпти. Ана шу бахтнинг, ана шу қувончнинг замирида шифокорларнинг ҳам меҳнати ва ҳиссаси бор. Чунки тинчлик, фаровонлик, байраму тўйлар — сиҳат-саломатлик белгиси.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб ўз касбидан фахрланмайдиган шифокор бўлмаса керак. Чунки фуқаролари соғлом юртнинг орзу-интилишлари улкан, ютуқлари салмоқли бўлади.

Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмаси жамоаси ҳам республикамиздаги барча соғликни сақлаш муассасалари қатори зиммамиздаги вазифаларни Юртбошимизнинг талаб ва истакларига мос қилиб ташкил этишга астойдил ҳаракат қилаяпмиз.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосидаги топшириқлар ижроси ўз вақтида таъминланаяпти. "Соғлом она — соғлом бола" мақсадли дастурини амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг ўн ойи давомида 5790 нафар фертил ёшидаги хотин-қизларнинг 5517 нафари тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 2260 нафаридан турли хил касалликлар аниқланиб, шу вақтгача 1977 нафари соғломлаштирилди, 683 нафарида соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. 2011 йилнинг ўн ойи давомида 379 нафар никоҳланувчи тиббий кўрикдан ўтказилиб руҳий, ОИТС, наркологик касалликлари аниқланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатилаяпти.

Тиббиёт бирлашмасига қарашли даволаш профилактика муассасаларида эндокрин касалликларини олдини олиш мақсадида 120 нафар диспансер ҳисобида турувчи қандли диабет билан касалланган беморларда ва 3350 нафар бошқа эндокрин касалликлар билан оғриган беморларга даволаш ва профилактика хизмати кўрсатилмоқда.

Жорий йилнинг август-сентябрь ойларида 890 нафар аҳоли флюорография кўригидан ўтказилиб, 13 нафарида сил касаллиги аниқланди ва уларга ДОТС дастури асосида тўлиқ даволаниш курси ўтказилди.

Ёш оилалар, туғруқ ёшидаги аёллар ўртасида репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш мақсадида шаҳар хотин-қизлар кенгаши, тиббиёт ходимлари ва МФЙ маслаҳатчилари ҳамкорлигида туғруқ ёшидаги аёллар билан мунтазам равишда давра суҳбати, савол-жавоб кечалари ташкил қилинмоқда.

Вояга етмаганлар ўртасида санитария-гигиена билимларини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун тарғибот-ташвиқот ишлари кенг йўлга қўйилди. Алкоголизм, чекиш, гиёҳвандлик каби иллатларнинг профилактикаси бўйича маҳалла, мактаб, лицей ва коллежларда тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Хулоса қилиб айтганда, аҳил жамоамиз аҳоли сиҳат-саломатлигини ҳимоя қилишдек эзгу ният билан астойдил меҳнат қиляпти. Янги "Мустаҳкам оила йили"да барча юртдошларимизга мустаҳкам соғлик, эзгу ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

**Меҳрибон ПРИМОВ,**
**Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи**


# БАЙРАМ МУБОРАК

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

## ЎзМТДП САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Барча юртдошларимизни

**ЯНГИ 2012 ЙИЛ**

**"МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ"**

билан муборакбод этади.

Оилангизга бахт, сиҳат-саломатлик, дастурхонингизга қут-барака, қалбингизга меҳр-мурувват доимо ҳамроҳ бўлсин, азиз Ватандошлар!



ВАТАНИМИЗНИНГ ОСМОНИ МУСАФФО, ТИНЧЛИГИ АБАДИЙ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ БАРДАВОМ БЎЛСИН!

# ҚЎҚОН ШАҲРИДАГИ РЕСПУБЛИКА СТОМАТОЛОГИК ИМПЛАНТОЛОГИЯ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

*Янги йил билан барча юртдошларимизни самимий қутлайди. Кириб келаётган "Мустаҳкам оила йили" барча ватандошларимиз хонадонига бахт ва қувонч олиб келсин.*

*Ўзбекистонимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларига ҳисса қўшишдек эзгу ният қалбларимизга йўлдош бўлсин.*